

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ХУДОЙҚУЛОВ ИЛЁС ХОЛМУРАДОВИЧ

**АВТО- ВА ТЕРМОЭЛЕКТРОН ЭМИССИЯСИ ШАРОИТЛАРИДА ВАКУУМ-
ЁЙ РАЗРЯДИ КАТОД ДОҒЛАРИДАГИ ЖАРАЁНЛАР**

01.04.04 – Физик электроника

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2023

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
По физика-математическим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on physical-mathematical sciences**

Худойқулов Илѐс Холмурадович

Авто- ва термоэлектрон эмиссияси шароитларида вакуум-ѐй разряди катод доғларидаги жараѐнлар..... **3**

Худойқулов Илѐс Холмурадович

Процессы в катодном пятне вакуумно-дугового разряда в условиях авто- и термоэлектронной эмиссии..... **21**

Khudoykulov Ilyos Kholmuradovich

Processes in the cathode spot of a vacuum-arc discharge under conditions of auto-and thermionic emission..... **42**

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... **45**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/FM117 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация А.У. Арифов номидаги Ион плазма ва лазер технологиялари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.iplt.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ашуров Хатам Бахронович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий опонентлар:

Максимов Сергей Евлантьевич
физика-математика фанлари доктори

Камардин Алексей Иванович
физика-математика фанлари номзоди

Етакчи ташкилот

Тошкент давлат техника университети

Диссертация химояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил «27» 06 соат 14³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (99871) 262-32-54, e-mail: info@iplt.uz, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел: (99871) 262-31-69.)

Диссертация автореферати 2023 йил «16» 06 куни тарқатилди.
(2023 йил «16» 06 даги 5 рақамли реестр баённомаси)



Х.Б.Ашуров

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

И.Д.Ядгаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф-м.ф.д., профессор

Б.Е.Умирзаков

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси ф-м.ф.д., профессор с.н.с.

Диссертация мавзусининг дозарблиги ва зарурлиги. Ҳозирги вақтда вакуумдаги ёй разрядни ўрганишга бўлган қизиқиш сиртда турли қопламалар қоплаш, металл намуналарни сиртида содир бўладиган қатламларга турли бўлинишларни уларнинг олдини олиш мақсадида сиртни қайта ишлаш ва тозалашларда ишлатиладиган қурилмаларда ундан кенг фойдаланилаётганлиги, шунингдек ион манбалари ва электр токи коммутаторларида кенг қўлланилиши билан баҳоланади. Бу жараёнларнинг асосида ҳам катод сиртига таъсир, ҳам вакуумли ёй разрядидаги катод доғларининг катод материалининг плазмали оқимлари шаклланишидаги кенг энергетик имкониятлар яратади.

Сўнгги йилларда юқори фойдаланиш имкониятларига эга бўлган инструментлар, коррозияга, металл намуналар сирт қатламларининг коррозияга, емирилишларга чидамлилигини оширишга йўналтирилган қайта ишлаш ва ҳимоя қатламларини ҳосил қилиш ва қайта ишлашнинг самарали методларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш катта эътибор қаратилмоқда. Бу масалаларни ҳал қилишда (ечишда) кимёвий, физикавий ва айниқса вакуумли ёй разрядига асосланган ион-плазмали методлар етакчи роль ўйнайди.

Маҳсулот (катод) юзасига ион-плазмавий вакуум-ёй разряди таъсирини шакллантириш, шунингдек, катод материални қайта ишлаш, қоплаш учун ион ва ион-плазма оқимларини ҳосил қилишнинг янги усуллари ва технологияларини яратиш ва техник вазифа - ионларнинг ҳосил бўлиш жараёнларини, вакуум ёйи разряднинг катод плазмасида уларнинг энергия параметрларини, шунингдек, унинг сирт қатламларига таъсир қилиш характери ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Мураккаб геометрияга эга металл қувурли маҳсулотларнинг ички сиртини қайта ишлаш ва қоплашни таъминлайдиган техник имкониятларни ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу физикавий ва катод электроникаси методларини ишлаб чиқиш учун ишончли ахборотларни олиш муҳим ва долзарб муаммо ҳисобланади. Вакуумли ёй разряди соҳасида олинган илмий натижалар ҳам фан учун, ҳам корпускуляр вакуум технологиялари учун долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида истиқболли фундаментал ва амалий тадқиқотлар йўналишларини, хусусан янги наноматериаллар яратиш, уланинг фундаментал физик хусусиятларини ўрганиш ва олинган тадқиқот натижаларини амалиётда қўллашни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ушбу диссертация маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони ҳамда «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 17 февралдаги № 4ПҚ-2789-сонли қарори доирасида кўзда тутилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Диссертациянинг Республика фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди: «энергия ва энергия ресурс тежамкорлик; замонавий электроника; микроэлектроника; фотоника; электрон қурилмаларини ривожлантириш» каби устувор йўналишлар доирасида амалга оширилган

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Вакуумдаги ион-плазмали ва ёй разряди технологиялари кўп йиллардан бери жадал тадқиқ қилинмоқда. 1990 йилда Миллер томонидан тузилган вакуум разряди бўйича библиография 4250 номдаги ишларни ўз ичига олади, лекин ёй разрядининг табиатига ҳанузгача тўла тушуниб етилмаган. Ушбу муаммоларнинг ечими устида кўплаб машҳур олимлар: Комптон, Вуд, Штарк, Холл, Лэнгмюр, Фаулер, Милликен, Дайк, Оппенгеймер, Штенбек, Ромпе ва бошқалар иш олиб боришган ва олиб боришмоқда. Ўтган асрнинг 30-йилларида вакуумли ёйга таъриф берди – бу шундай газ разрядики, етарлича кичик катод потенциал тушувида металл катод атомлари ионлашиш потенциали тартибида бўлади. Танберг (1930 г.) катод

ёйига ёй токига пропорционал бўлган куч таъсир қилишини кўрсатиб берди, яъни $F=K_T \cdot I$. Кимблин (1971г.) эса ёйдаги ионлар токи $I_i=K_K \cdot I$ боғланишга эга эканлигини орқали аниқлади. Даалдер (1976 г.) вакуум ёйи содир бўладиган аниқ белгиланган t вақтда катодга берилмайдиган энергия $W=K_R I$ ни ташкил этишини аниқлади.

Вакуум ёйи назариясининг ҳозирги ҳолати Г. Эккер томонидан ва анод ҳодисалари Дж. Добайнлар томонидан, вакуум техника ҳолати эса ўрганилди. А. Гринвуд томонидан ўрганилди. Лекин уларнинг натижаларини баҳолашда бир-бирига қарама-қаршиликлар мавжуд. Дж. Фаррелл, Г. Эккер, ва Л. Харрисларнинг ишларида катод доғидаги ток зичликлари тадқиқоти натижалари келтирилган. РФА академиги Г.А.Месяц Томск политехника университетида, ва шунингдек РФАнинг СО юқори оқим электроника ва РФА УрБ электрофизика Институту ходимлари билан биргаликда катод доғларидаги портлаш эмиссиясини –суюқ металл оқими портлаши орқали юзага келадиган порцион жараён деб фараз қилишди ва бу электронлар эмиссиясидаги етарлича катта электронлар токени тушунтириб беради. Россиялик олимлар: И.Г. Кесаев, Г.А. Месяц, М.А. Яландин, В.М. Куляпин, А.Н. Серьезнов, М.Ф. Жуков, А.С. Коротеев, Г.Ю. Даутов, Б.И. Михайлов, О.Б. Брон, А.М. Смыслов, В.С. Мухин ва бошқалар томонидан олинган катод тушуви яқинидаги катод жараёнларини тадқиқ қилиш натижалари фан ва техникада муҳим аҳамият касб этади. Электротехник комплекс ва системалардаги жараёнлар назарияси ва уларни моделлаштиришни ривожлантириш долзарб ва ҳозирги кунда талаб қилинадиган илмий муаммо ҳисобланади.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Вакуум ёй разряди уйғотилиши ва вакуум-ёй плазмасининг асосий тавсифлари бўйича тадқиқотлар разряди ва металл сиртида уйғотиладиган плазманинг мос физик моделларини ривожлантириш, шунингдек юқори аналитик имкониятларга эга бўлган турли электрофизик методлар асосида ишлайдиган мос электровакуум прибор ва қурилмалардан фойдаланишларни ривожланишига олиб келади. Мазкур диссертация ишида фойдаланилган методлар, хусусан вакуум-ёй плазмасида ва турли материаллар сиртида ион-электрон жараёнлар диагностикаси ва тадқиқотлари методлари етарлича яхши ўрганилган.

Айни вақтда кўриниб турибдики, плазма оқимида ва катод сиртида содир бўладиган элементар жараёнларнинг мос методик-назарий асосларини яратмасдан туриб, ушбу методларни амалга ошириб бўлмайди. Бу кўзда тутилган асослар зарур критерия ва фаразларни танлаш, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар процедуралар тўплами, шунингдек аналитик приборлардан фойдаланиш, шу жумладан электрон Оже спектрометр ва бошқалардан иборат. Бундай комплекс назарий ва экспериментал ёндошувлар ёй разрядидаги плазма таркиби ва зарядланган заррачалар ҳаракати хусусиятларини, шунингдек ионлар манбаи-металл катод сиртидаги элементар жараёнларни тадқиқ қилишда ишончли тажриба натижаларини олиш имкониятларини таъминлаши керак.

Масалан, Новосибирскда, РФАнинг СБ Ядро физикаси институтида Г.А. Месяц, С.П. Бугаев ва Д.И. Проскуровскийлар катод ячейкасида эктон цикли параметрларини баҳолаш бўйича тадқиқотлар ўтказган. Худди шундай тадқиқотлар Россия, Буюк Британия, Германия, АҚШ, Франция и Япония каби қатор мамлакатларнинг илмий муассасаларида ўтказилган.

Катод ячейкасидаги жараёнларни идентификация қилиш натижаси шуни кўрсатдики, вакуум юқори оқим ёйи –бу стационар жараён эмас, балки порцияли жараёндир, у суюқ металлда пайдо бўлади ва кейинчалик плазмага ўтади. Ҳозиргача мавжуд назарияларда катод доғлари фақат стационар объект сифатида ўрганилган бўлиб, аслида унинг ностационар табиати кўриб чиқилмаган.

Айни дамда, катод жараёнлари параметрларини ҳисоблашнинг математик методларининг мавжуд эмаслиги материалларга электр разрядларининг ўзаро таъсири жараёнларининг етарли даражада ўрганилмаганлиги ва ҳажмий иссиқлик ажралиши ва электр разряди манбаларининг таъсири шароитида содир бўладиган жараёнларни тавсифловчи нозичли дифференциал тенгламаларни ечишнинг аналитик методлари мавжуд эмаслиги билан аниқланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Ион-плазма ва лазер технологияли институтининг қуйидаги тадқиқот режаси доирасида олиб борилган; № АЗ-ФА-Ф173-сонли «Буюмлар сиртига ишлов берувчи ва химоявий катламлар ўстирувчи вакуум-ёйли плазма манбасининг разряд тизимини яратиш», (2012-2014) ва ФА-АЗ-062-сонли «Ион бомбордировка шароитида қопламаларни ион-плазмали қоплаш ва реактив газларда таҳлил қилиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2014-2018) мавзусидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади авто- ва термоэлектрон эмиссияси шароитларида вакуум-ёй разряди катод доғларидаги жараёнларни ўрганиш орқали вакуум ёй разряди катод доғлари билан қайта ишланган сирт олди катламлари структураси ва бошқа хусусиятларига таъсирини аниқлаш ёрдамида вакуум ёй разряди катод доғларининг ион-плазма таъсири самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Қўйилган мақсадга вакуум ёй разрядидаги катод доғларида содир бўладиган жараёнларни назарий ва экспериментал тадқиқ қилишда қуйидаги асосий тадқиқот вазифалари:

вакуум ёй разрядидаги катод доғларида заррачалар системасининг заряд структураси ва содир бўладиган жараёнларни назарий-ҳисоблаш методлари ёрдамида ушбу системанинг ион, электрон ташкил этувчиларини ҳисобга олган ҳолда катод потенциал тушуви соҳасида катод доғи заррачалар системасининг моделини яратиш;

ионларнинг қайта зарядланиши жараёнининг ҳажмий заряд соҳасидаги, бу заряд туфайли шаклландиган электр майдонларида юқори энергияли ионлар генерацияларига таъсирини ўрганиш;

катод сиртида плазманинг таъсири тавсифларига катод сиртидаги фаол моддаларнинг мавжудлигининг, шунингдек катод сиртининг ғадир-будурлиги ва энергия сарфлари таъсирини аниқлаш;

катод доғларининг иссиқлик, ион-плазмавий таъсирлари туфайли катод сирт қатламида юзага келадиган ностационар температура майдонлари параметрларини назарий ҳисоблашлар орқали ўрганиш, вакуум ёй разряди катод доғлари билан қайта ишланган сиртолди қатлами хусусиятлари, структурасига таъсирини аниқлаш;

кувурсимон шаклидаги металл маҳсулотлар ички сиртларида, вакуум ёй разряди катод доғларининг ион-плазма таъсирлари самарадорлигини таъминлаш, шу жумладан вакуум ёй разрядининг икки турининг (турлича шаклланган) кетма-кет таъсири шароитларини аниқлаш каби масалаларни ечиш орқали эришилди.

Тадқиқот объекти сифатида вакуум ёй разряди, унинг катод сиртига таъсир қилувчи катод доғи ҳисобланади.

Тадқиқот предмети вакуум ёй разрядидаги плазма ва катод доғларидаги жараёнлар, шунингдек катод доғларининг сиртга ион-плазмавий ўзаро таъсири, шу жумладан ишқорлар билан фаоллаштирилган коаксиал шаклидаги металл катод ички сирти ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишини амалга ошириш мобайнида қуйидаги тадқиқот методларидан фойдаланилди: - ностационар жараёнлар ва катод доғларининг сиртга таъсирлари учун математик моделлаштириш методларидан фойдаланиб назарий ҳисоблаш тадқиқотлари; -экспериментал аналитик тадқиқотлар, шу жумладан Оже электрон спектроскопия, рентгеноструктуравий таҳлил, ва MitutoyoSurftest 401 дан фойдаланган ҳолда сирт нотекислигини тадқиқ қилиш учун профилометрдан фойдаланиб амалга оширилди.

Тадқиқотларнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«совук» катодда вакуум ёй разряди катод доғида катод потенциал тушуви соҳасидаги ионлашишнинг ночизикли ностационар жараёнларининг математик модели ишлаб чиқилди. Электронлар системасининг катод доғи (КД) потенциали орқали тезлаштирилганда чиқиб кетаётган электронлар ҳисобига энергия олиши ва бу энергияни асосан ионларни тезлаштиришга ва электрон газини қиздиришга сарфлаши аниқланди;

биринчи маротаба вакуум ёй разряд катодидан 200 нм масофада 5×10^7 В/см гача электрмайдон кучланганлигини ҳосил қилувчи ионлар қатлами юзага келиши аниқланди. Бунда электр токининг $\sim 10^6$ А/см² гача зичликларида нураланиш ва сочилиш туфайли энергия исрофи унчалик катта эмас, $7,5 \times 10^{19}$ см⁻³ гача концентрацияларда атомларнинг ионлашиши бирга яқин бўлиб, катта концентрацияларда эса ионларнинг қайта зарядланиши туфайли ионлашиш эҳтимоллиги камаяди;

хар хил геометриядаги маҳсулотлар юзасида иссиқлик энергиясининг ҳаракатланувчи нуқта манбаси сифатида вакуум ёйи разрядларининг катод доғи таъсирида металл катоднинг сирт яқин қатламларида ҳарорат тақсмоти математик модели ишлаб чиқилди. Катод-намунанинг сиртга яқин қатламида, катод доғи таъсири минтақасида (КД ўлчами 2-5 мкм, ҳарорат 4000-5000⁰С) максимал ҳароратга эга зона аниқланди шунингдек, уч зонали ҳарорат тақсимлашнишида структурасининг шаклланиши аниқланди;

вакуум ёйи катод доғининг иссиқлик таъсири натижасида қалинлиги 2 мкм дан 20 мкм гача бўлган "оқ қатлам" ҳосил бўлиши, фазали ўтишлар (аустенитнинг пайдо бўлиши), сиртга яқин соҳаларда структуравий (иккинчи турдаги микростреслар) силлиқлаш билан зоналарга мозаик блоклардан 0,1-0,2 мкм гача «табақаланиши» ҳосил бўлишига олиб келиши аниқланди;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк бор катод юзасини вакуум-ёйи билан ишлов бериш жараёнида калий ва натрий гидроксидларининг (контцентрацияси 25% гача бўлган) ишлов берилган пўлат юзасига қопланишида сирт нотекислиги 1,5-3,2 марта пасайишига ва шунингдек, сирт қатламларидан (шу жумладан оксидлардан) тозалаш учун энергия сарфини 1,5-2,4 баравар камайтиришига олиб келиши аниқланди;

илк бор коакциял электрод тизимида катод сиртида вакуум ёйи разрядларининг катод доғларини магнит сканерлаш ва кенгайтирилган цилиндрсимон катодли вакуум-ёйи курилмасини лойиҳалашда ички юзани қоплашнинг оригинал усулларини жорий қилинди, ушбу қопламалар зарур таркибга эга эканлиги ва уларнинг кимёвий таркиби катодли материалга мос келиши ва қопламаларнинг юқори хром таркиби оксидланишдан ҳимоя қилиш хусусиятлари учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган;

вакуум ёйи усулида пўлат сиртини (пўлат 65Г) тозалашда коакциал пўлат намунасининг сиртга яқин қатламларида (С, Мn, Cr, Si) элементларининг тақсимланишига, бу эса вакуум ёйи разряди катод доғининг стационар таъсири натижасида ҳосил бўлиши аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Оже спектрометрияси, рентген фазовий таҳлил, МИМ-8М микроскопи, Mitutoyo Surfest SJ 401 профилометри, ПМТ-3 микрокаттикликни ўлчовчи курилмалар тажриба натиждларни таҳлил қилиш билан биргаликда, сирт тозалигини ва қатлам хусусияларини юқори аниқликда ўрганиш имконини беради. Ушбу таҳлил натижалари назарий таҳлил билан диярли мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Илмий аҳамияти: вакуум ёйи разрядининг катод доғидаги ионланиш механизмлари, плазмада юқори энергияли ионларнинг ҳосил бўлиши, катод доғининг катод сиртида фазавий ўзгаришларга олиб келадиган иссиқлик таъсирининг табиати (аустенитнинг пайдо бўлиши), структуравий (иккинчи типдаги микростреслар ва мозаик блокларни силлиқлаш) сирт қатламидаги ўзгаришлар ва коррозияга қарши ва қаттиқлашувчи хусусиятларни таъминлайдиган махсус "оқ қатлам" ҳосил бўлишига олиб келади, ушбу параметрларни ўрганиш зарядланган зарраларнинг сирт билан ион-плазмавий ўзаро таъсири назарияни ривожлантириш учун муҳимдир.

Амалий аҳамияти: қувурли маҳсулотларнинг ички сиртини вакуум-ёйи усулида қайта ишлаш, сиртга бошқариладиган физик хусусиятларга эга функционал қопламаларни қўллаш, юқори талаб қилинадиган техник курилмалар учун зарур ресурсни таъминлаш учун техник тизимлар яратилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қувурли маҳсулотларнинг ички юзасига катод доғлари ёрдамида вакуум ёйи таъсир қилиш жараёнини оптималлаштириш

бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида IAP 05070 рақамли металл трубанинг ички юзасини қайта ишлаш усулига 8 (172), 2015 йил сонли Бюллетенида Ўзбекистон Республикаси патенти олинди, шу жумладан патентда катод доғлари таъсирининг мураккаб таҳлилий ва экспериментал тадқиқотлари натижалари ишлатилган турли геометриядаги пўлат қувурлар юзасида вакуум ёйи ёрдамида ишлов бериш имкониятига эга. Ушбу вазифа вертикал равишда жойлашган қувурли маҳсулотнинг ички юзасига таъсир қилувчи вакуум ёйи разряди катод доғлари жараёнини амалга ошириш учун электрод тизимининг ёпиқ коакциял майдонини шакллантиришнинг ишлаб чиқилган усули туфайли бу муаммо муваффақиятли ҳал қилинди.

Олинган Ўзбекистон Республикасининг патенти, IAP 05778, 3(215), 2019 й. пўлат қувурли маҳсулотлар юзасига вакуум ёйи катод доғларининг комплекс таъсирини таҳлилий ва экспериментал тадқиқотларда қўлланиладиган қувурларнинг ички юзасини вакуум-ёй билан ишлов бериш усули бўйича.

Ушбу вазифани ташкил этувчи техник тизим туфайли, керакли функционал хусусиятларни бериш, қайта ишлаш жараёнининг самарадорлиги ва сифатини ошириш учун металл буюмлар сиртига вакуум ёйи разряднинг технологик таъсирининг функционаллигини кенгайтириш, металл трубанинг ички юзасини бир вақтнинг ўзида ишлайдиган иккита вакуум ёйи разрядлари билан комплекс қайта ишлаш муваффақиятли ҳал қилинди.

Диссертацияда олинган илмий натижалар қўллаш қувурли маҳсулотларнинг ички юзасига самарали тозалаш ва ҳимоя қопламаларини қоплаш («Ўзелтехсаноат» АЖнинг 2022 йил 24 мартдаги 04–3/474-сон маълумотномаси) имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишинатижалари 11 та тезис ҳалқаро конференциялари маърузаларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси доирасида жами 21 та илмий мақола чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга этилган илмий журналларда 8 та мақола, жумладан 5 та республика ва 3 та чет эл илмий журналларида нашр этилган, 2 та патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация ишининг тузилиши кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 115 бет матндан, шу жумладан 39 расм ва 9 жадвалдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида, диссертация мавзусининг ахамияти ва долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объектлари, предмети ва усуллари ҳақида маълумот берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техникани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги аниқланган. Олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий- амалий ахамияти тақдим этилган, натижаларнинг ишончилигига асосланиб, уларни амалга ошириш, ишнинг апробация натижалари ва диссертация тузилмаси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг биринчи бобида **“Вакуум - ёйли разряд ва металл плазма оқимларини ҳосил қилиш тамойиллари”** замонавий адабиётлар маълумотларига умумий нуқтаи назарни беради. Тажриба ва назарий ишларни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда қуйидагилар ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда: - вакуум-ёйли разряд параметрларининг ионланиш жараёнига таъсири; - катод доғларининг тузилиши; - катод доғларининг ҳарорат таъсири остида металл катод юзасида структуравий ўзгаришлар. Бу ўта тоза металлларни олиш, имплантация технологияларидан фойдаланиш учун «металл» плазмасининг интенсив оқимларини яратиш ва турли қопламалар олиш, зарядланган заррачаларнинг юқори оқим дасталарини ҳосил қилиш ва коммутация технологиясини олиш истикболлари билан боғлиқ.

Бироқ, барча ҳолатларда, катод юзасида катод доғи плазмаси шакилланишида ионизация жараёнларини аналитик тахлили шунингдек, ҳар хил геометрияга эга бўлган катодларда (иссиқлик энергиясининг нуқтавий манбаси) катод доғининг таъсир чегараси, катод олди соҳаларидаги температура тақсимоти ҳисоблаш муҳим аҳамиятга эга.

Катод юзасида ионлашиш жараёни ва температура тақсимотининг аналитик тахлили етарлича тадқиқ қилинмаган. Ушбу ўрганиламаган муаммолар диссертация ишининг мақсадини белгилаш ва вазифаларини амалга оширишда асос бўлиб хизмат қилди.

Иккинчи боб “**Назарий тадқиқот усуллари. Экспериментал қурилмалар**” вакуум-ёй разрядини амалга оширишда электрод тизимларининг тавсифи ва тадқиқот усуллари бағишланган.

Тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси У.А. Арипов номидаги Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ион-плазма технологиялари лабораториясида лойиҳалаштирилган ва ишлаб чиқилган вакуум қурилмаларида ўтказилди. Диссертация ишини бажаришда қўйилган вазифаларни вакуум шароитида катод намунасининг вакуум ёйининг катод доғлари таъсири натижасида (сиртни тозалаш, иссиқлик ва ион-плазмавий таъсири) сирт ва сиртга яқин қатламлардаги катод доғлари ва уларнинг физик хоссаларини ўрганиш технологик қайта ишлашни амалга ошириш керак эди.


Тажрибалар универсал вакуум постида (ВУП), ва вертикал вакуумли технологик қурилмаларда ўтказилди.

Олинган натижалар Mitutoyo Surftest SJ 401, Твердометр ПМТ-3, рентген қурилмаси ДРОН-2, микроскоп МИМ-8М ва Оже спектрометри ёрдамида таҳлил қилинди.

Ушбу усуллар биргаликда қуйидагиларни аниқлашга имкон берди: металл намунасининг ишлов берилган юзасининг нотекислигини ўрганиш; унинг сирт қаттиқлиги; термик таъсирдан кейин металл юзасида структуравий ўзгаришларни таҳлил қилиш, намуна юзасида элементларни баҳолаш.

Учинчи боб “**Вакуум ёйи разрядининг катодда зарядланган заррачаларнинг ҳосил бўлиш жараёнлари**” да фазовий зарядларнинг ўзига хос хусусиятлари, бир томондан, юқори электр ўтказувчанликка эга катодга, бошқа томондан, яхши ўтказувчан квази-нейтрал плазма оқимида шунингдек, катод доғининг намуна бўйлаб ҳаракатланишидан таъсирланган ҳудуднинг сиртга яқин қатламида ҳарорат тақсимоти тенгламалари ҳам эчилади.

Биринчи ҳолда, потенциал $U=U_{\max}$ максимал, майдон кучланганлиги $E_0=0$ ва бу текисликнинг ҳар икки томонидаги умумий зарядлар бир-бирига тенг бўлган текислик модели қўлланилади.



1-расм. Катод юзасида ўтиш ионизация жараёни модели


Бунда катод юзасида манфий заряд кўзғатилади ва фазовий заряднинг мусбат зарядланган қисмида плазмадан электрон концентрацияси ион контсентрациясидан ошиб кетадиган ҳудуд билан ажратилади. 1-расмда катод юзаси яқинидаги вакуум ёйининг катод доғидаги фазовий заряд минтақасининг диаграммаси кўрсатилган бўлиб, ионланиш жараёни ва фазовий заряднинг ҳосил бўлиши тасвирланган.

Вакуум ёйининг катод доғи ҳудудида ҳажмий заряднинг ҳосил бўлиши катод юзасидан бир неча нанометр масофада содир бўлади ва унда генерацияланган зарядланган заррачаларнинг хаотик ҳаракати билан боғлиқ.

200 нм масофада ҳосил бўлган катод юзасига нисбатан ион тўпланишининг максимал қиймати ҳудуди фазовий заряд (катод потенциалининг пасайиши) минтақасини учта зонага ажратади. Ҳажмий зарядлар майдони катодга яқин

масофада жойлашган юқори зичликдаги ионлардан иборат бўлиб, доимий равишда катод юзасини бомбардимон қилади. Бундан ташқари, бу плазмали қатлам 10^7 В/см эга бўлган электр майдонини ҳосил қилади, бу эса ионланиш жараёнининг самарадорлигини кескин ошишига олиб келади. Катод юзасидан $Z > 200$ нм масофада S_3 зонасидаги ҳажмий зарядларнинг таъсири потенциал фарқнинг камайиши (катод ва КД ҳажмий заряди орасидаги) ва S_3 зонаси электрон зичлиги ошиши ҳисобига камаяди.

2-расмда катод ҳажмий заряд орасидаги масофаларга боғлиқ бўлган электронлар ва бир хил зарядланган ионларнинг потенциал энергиясининг ўзгариши, шунингдек, катодга яқин жараёнларнинг энергиясини тушунтирувчи характерли координаталар кўрсатилган.



2-расм. Катоддан турли масофаларда вакуум ёйининг катод доғи потенциал энергиянинг ўзгариши: а-электрон, в-ион.

Бунда атомларнинг ионланишида ҳосил бўлган ионлар ва электронларнинг потенциал энергияси тенг, лекин ишораси бўйича қарама-қаршидир. Аслини олганда, нейтрал атомнинг ионланиши бутун тизимнинг потенциал энергиясини ўзгаришига олиб келмайди ва ионлар тирбантликни тарк этиб, ҳеч бўлмаганда $U_{кп}$ нуқтасига қадар потенциал тўсиқлар билан кечиктирилмайди, электронлар эса потенциал чуқурликда тушиб қолади. Бинобарин, ионланиш ҳудудида ион зарядининг тўпланишида ундан «янги» электронлар ҳосил бўлиши мумкин. Шундай қилиб, биринчи S_1 зонада ионлар катод томон тезлашади, иккинчи S_2 ва

учинчи S_3 зонада ионлар анод томон ҳаракатланади ва потенциал тўсиқларга дуч келмасдан, кўриб чиқиладиган майдонни тарк этади.

Биринчи S_1 зонасидаги ҳолатларни батафсилроқ таҳлил қилиш учун (1) тенгламани ечиш керак. Ионнинг массаси $9,3 \times 10^{-26}$ кг ва атомнинг радиуси темир атомининг радиуси $1,27 \text{ \AA}$ га тенг бўлса, биз S_1 зонасидаги электрон концентрацияси ион концентрациясининг 3% дан ошмаслигини аниқлаймиз. Бунда, S_2 зонасида мавжуд бўлган электронларни эътиборсиз қолдириб, ионларнинг доимий концентрациясини ҳисобга олсак, Пуассон тенгламасининг (1) ечимларини қуйидаги шаклда олиш мумкин:

$$U = U_M \left[1 - \left(\frac{Z}{Z_M} - 1 \right)^2 \right], \quad (1)$$

$$\frac{\partial U}{\partial Z} = 2U_M \left(\frac{Z}{Z_M} - 1 \right) \frac{1}{Z_M}, \quad (2)$$

$$\frac{\partial^2 U}{\partial Z^2} = -\frac{2U_M}{Z_M^2} - \frac{2U_M}{Z_M^2} = -\frac{\rho}{\epsilon_0}, \quad (3)$$

Катод юзасидан $Z > 200$ нм масофада S_3 зонасидаги ҳажмий зарядларнинг таъсири КД ҳажмий заряди ўртасидаги потенциаллар фарқининг камайиши ва S_3 зонасида электрон концентрациясининг ортиши ҳисобига амалга ошади.

200 нм масофада кучланишнинг ўртача қиймати максимал натижага эришади. Формула (4) асосида биз максимал кучланиш қийматини ҳисоблаймиз.

$$U_m = \frac{\rho Z_m^2}{2\epsilon_0} \quad (4)$$

Кучланиш максимал қийматга етганда, ионланиш жараёни $1/Z_m$ боғлиқлигига қараб камаяди. Бироқ, E_m тахминий ҳисобланади. Катоддан қандайдир масофада камида битта электрон катоддан иссиқлик таъсирида тезлик билан ҳаракатланадиган ҳар бир атом орқали ўтишини ҳисоблаш.

1-жадвалда катод материалининг буғланиш тезлиги, катод ҳарорати ва Z_i масофадаги атом контсентрациясининг ҳисобланган қийматлари кўрсатилган.

Катоддан Z_i масофада турли E электр майдонларида мис катод учун оқимлар, буғланиш тезлиги, катод доғи ҳарорати ва оқимдаги атомлар концентрациясини ҳисоблаш натижалари 1-жадвалда келтирилган мос келадиган оқимлар учун қайта зарядлаш натижаси Z_i қалинлиги бўлган ғовакли диелектрик юзасида ионларнинг чўкишига ўхшашлигини кўрсатади, бунда $10^7 \text{ В} \times \text{см}^{-1}$ ва ундан юқори майдонлар пайдо бўлади.

1-жадвал

Катод материалнинг буғланиш тезлиги, катод ҳарорати ва $\sim Z_i$ масофадаги атомлар контсентрациясининг ҳисобланган қийматлари

$E, \text{ В/см}$	$v_a, \text{ г/см} \times \text{с}^{-1}$	$G, \text{ г/см}^2 \times \text{сек.}$	$T, \text{ К}$	$n_a, \text{ см}^{-3}$
10^4	7.5×10^{22}	8	2850	7.75×10^{17}
10^5	7.5×10^{23}	80	3400	7.1×10^{18}
10^6	7.5×10^{24}	800	4350	6.25×10^{10}

Катод доғининг ҳарорати ошиши билан ион заряд алмашуви минтақаси катодга яқинлашади, бу эса $\sim 200 \text{ нм}$ масофага вужудга келади. Катод потенциал тушимининг $10 - 20 \text{ В}$ қийматларида электр майдон кучланганлиги $\sim (2-5) \times 10^7 \text{ В} \times \text{см}^{-1}$ га эришилади. Бундай майдонларда термоавто эмиссиясининг катта ток зичлиги ($10^7 - 10^8 \text{ А} \times \text{см}^{-2}$) катодни Жоул ва Ноттингем иссиқлиги билан қиздиради, бу эса эмиттернинг сирти мос келадиган портлашига олиб келади. Ушбу портлаш натижасида катод доғи вайрон бўлади, кўринишидан элементар катод доғларининг мавжудлигининг жуда қисқа (бир неча мкс) давомийлигини ва паст ток ҳудудида ёй зарядини тушунтиради. Ёй тоқининг ошиши (доғлар сонининг кўпайиши) билан алоҳида портлашлар - парчаланишлар умумий ёй циклида катта роль ўйнамайди, бу эса разряд эҳтимолининг ошишига олиб келади.

Вакуумли разряди, катод доғининг ҳаракатини кўриб чиқишда цилиндрсимон электродда ҳосил бўлган ҳарорат майдони катта аҳамиятга эга. Намуна юзасига яқин қатламларда ҳосил бўлган ҳаракатланувчи ҳарорат майдони, намуна юзаси доимий қувватнинг ҳаракатланувчи нуқтавий манбасига узоқ вақт таъсир қилиш билан, чекловчи квазстационар ҳолатга мойил бўлади ва вақт ўзгармаслиги билан тавсифланади. Ушбу чекловчи ҳолат катод доғлари бўлган ҳаракатланувчи манбанинг узоқ таъсиридан кейин ўрнатилади.


Намуна юзасига яқин қатлам тез таъсир этувчи нуқтавий манбаси билан қиздирилганда, жараён бошланганидан кўп ўтмай манбага яқин минтақадаги чегара ҳолати вужудга келади. Кўриб чиқиладиган масалада иссиқлик изоляцион чегаралари радиуси r бўлган ярим чегараланган қувурнинг сиртга яқин қатламида, агар Q қувватнинг нуқтавий манбаи намуна бўйлаб v_0 тезликда ҳаракатланса, бошланғич ҳарорат тақсимооти нолга тенг бўлган ҳарорат тақсимоотини топиш талаб этилади. ОХ ўқи чексиз қувур чегараси бўйлаб йўналтирилган ва унга перпендикуляр ОУ ўқи бўлган координаталар тизимини танлаймиз. У ҳолда ХОУ координаталар системасида: $0 \leq x < \infty, 0 \leq y \leq r$ ва иссиқлик манбаси $y = y_0$ тўғри чизиқ бўйлаб ҳаракатланади.

(7) ифодани оламиз:

$$T(x, y, \tau, r) = \frac{q}{c\rho a\sqrt{\pi l}} \int_0^\tau \left(\frac{1}{2} + \sum_{n=1}^{\infty} e^{-\left(\frac{an\pi\Delta r}{l}\right)^2(\tau-\theta)} \cos \frac{n\pi}{l} y_0 \cos \frac{n\pi}{l} y \right) * \left(e^{-\frac{(x-v_0\theta)^2}{4a^2(\tau-\theta)}} + e^{-\frac{(x+v_0\theta)^2}{4a^2(\tau-\theta)}} \right) \times \frac{1}{\sqrt{\tau-\theta}} d\theta \quad (7)$$

Бундан ташқари, маълум бир яқинлашиш билан чегараланган ҳарорат тенгламаларидан ўрганиладиган жараённи тавсифловчи изотерм тенгламаси олинади.

3-расмда. τ вақтида $O'O_m$ нинг M кузатиш нуқтасигача бўлган масофанинг OX ўқиға проекциясини кўрсатилган. 3-расмдан куйидагича $x-v_0(\tau-t)$ қиймати - τ вақтидаги M



3- расм. v тезликда ҳаракатланувчи иссиқлик манбасининг τ вақтида O_m кузатиш нуқтасигача бўлган масофанинг OX ўқиға проекцияси.

кузатиш нуқтасигача бўлган масофанинг OX ўқиға проекцияси, яъни $O'O_m=x-v_0(\tau-t)$. Агар $O'O_m = x + v_0 t''$ қўйсақ, бу эрда x - манбадан кузатиш нуқтасигача бўлган масофа ва t'' - кўриб чиқиладиган манба иссиқлигининг тарқалиш вақти, у ҳолда $T(x, y, \tau)$ учун (8) ифодани оламиз.

$$T(x, y, \tau) = \frac{Q}{c\rho a\sqrt{\pi}l} \int_0^\tau \left(\frac{1}{2} \sum_{n=1}^{\infty} e^{-\left(\frac{an\pi\Delta r}{l}\right)^2 t''} \cos \frac{n\pi}{l} y_0 \cos \frac{n\pi}{l} y \right) e^{-\frac{(x+v_0\theta)^2}{4a^2 t''}} \frac{1}{\sqrt{t''}} dt'', \quad (8)$$

Нуқтавий манбанинг намуна бўйлаб ҳаракатланиш $v_0 \geq 10$ см/сек тезлиги катта бўлганлиги сабабли, у ҳолда чекловчи ҳарорат тенгламаси куйидаги шаклни олади:

$$T(\tau, y, \infty) = T_0 \left(\frac{1}{2} + \sum_{n=1}^{\infty} e^{-\left(\frac{an\pi}{l}\right)^2 \tau} \cos \frac{n\pi}{l} y_0 \cos \frac{n\pi}{l} y \right), \text{ при } x < 0, \quad (9)$$

$$\text{и } T(x, y, \infty) = T_0 e^{-\frac{v_0^2 \tau}{a^2}} \left(\frac{1}{2} + \sum_{n=1}^{\infty} e^{-\left(\frac{an\pi}{l}\right)^2 \tau} \cos \frac{n\pi}{l} y_0 \cos \frac{n\pi}{l} y \right) \text{ при } x > 0, \quad (10)$$

(9) ва (10) формулалардан келиб чиқадики, $x < 0$ ва $x > 0$ учун чегара ҳарорат тенгламалари бир-биридан $\exp\left(-\frac{v_0^2 \tau}{a^2}\right)$ ифода билан фарқланади, яъни манба ҳали пайдо бўлмаган минтақадаги нуқталар чегара ҳарорати, манба аллақачон мавжуд бўлган тегишли нуқталардаги ҳароратлардан $\exp\left(-\frac{v_0^2 \tau}{a^2}\right)$ марта камроқ.

$x \rightarrow \infty$ бўлганда, яъни манбадан узоқда жойлашган нуқталар учун ҳарорат стационар ҳолатга интилади, бу куйидагича тавсифланади:

$$\frac{T_0}{2} = \frac{Q}{c\rho l v_0} \quad (11)$$

$T=1000-1500$ °С юқори ҳароратга тўғри келадиган катод доғи таъсирида ҳосил бўлган 45 пўлат намуна учун ёпик эгри чизик шаклида изотермалар, пастроқ ҳароратлар $T=300-600$ °С изотермаси эса OX ўқиға асимптотик тарзда $x \rightarrow 0$ ($\tau \rightarrow 0$) яқинлашади. Намуна радиуси r бўлган цилиндр шаклидаги намуналар (10) ифода билан ҳисобланади.


Нуқтавий манба $y_0 = \frac{l}{2}$ тўғри чизик бўйлаб ҳаракатланаётганда, (10) ифодадан, яъни $x < 0$ бўлганда. Қуйидаги ифодани оламиз

$$0,5 < \theta < 1,5, \quad 0 < \tau < -\left(\frac{l}{2a\pi}\right)^2 \ln\left(\theta - \frac{1}{2}\right) + \Delta r_1.$$


Паст иссиқлик ўтказувчан пўлатдан ясалган цилиндрсимон намунада, масалан, пўлат 45, $x < 0$ да бир хил ҳароратли изотермалар билан чегараланган зоналар энг катта радиусга эга, изотермлар иссиқлик манбасидан ҳаракат йўналишига қарама-қарши йўналишда кўпроқ чўзилган. Юқорироқ иссиқлик ўтказувчан пўлатларга (65Г, 08КП) мос келадиган тенг ҳароратли изотермалар $x > 0$ да камроқ бўлади ва конфигурация бўйича айланага яқин бўлади. Иссиқлик ўтказувчанлиги юқори бўлган металллар иссиқлик ўтказувчанлиги камроқ металлларга қараганда $x < 0$ бўлганда, бир хил ҳароратли изотермлар билан чегараланган зоналар каттароқ радиусга эга бўлади. Бунинг сабаби шундаки, иссиқлик ўтказувчанлиги кўпроқ бўлган металллар манбаларига туташган зоналар иссиқлик ўтказувчанлиги камроқ металлларнинг мос келадиган зоналарига қараганда тезроқ қизийди. Иссиқлик манбаси $x < 0$ бўлган ҳолатда зоналарда совутиш жараёни содир бўлади ва кўпроқ

иссиқлик ўтказувчи металллар учун иссиқлик йўқотилиши анча интенсив равишда содир бўлади.

Шунинг учун иссиқлик ўтказувчанлиги кўпроқ бўлган бу зоналарда ҳарорат камроқ иссиқлик ўтказувчан металлларнинг мос келадиган зоналарига қараганда паст бўлади.



4-расм. $x < 0$ га мос келадиган майдонда $\theta_2(\tau)$ ва $\theta_1(\tau)$ - $x > 0$ графиги.



5-расм. 1мкм чуқурликгача намуна сиртининг қатлами бўйича температура тақсимоти

пасайиши соҳасидаги чизикли бўлмаган стационар ионланиш жараёнларининг математик модели ишлаб чиқилди. Заряд тизими катод потенциали томонидан чиқарилган электронларнинг тезлашиши ҳисобига энергия олиши ва уни асосан ионларнинг тезланишига ва электрон газни иситишга сарфлаши аниқланади;

- турли геометрияли маҳсулотлар юзасида иссиқлик энергиясининг ҳаракатланувчи нуқтавий манба сифатида вакуум ёй разрядли катод доғи таъсирида металл катоднинг сиртга яқин қатламларида иссиқлик энергиясини тақсимланиши материалнинг структуравий ўзгаришларини математик модели ишлаб чиқилди;

- вакуум-ёйли разряд пайтида катод-намунадаги ҳарорат майдонининг тақсимланиш тенгламаларини ечиш орқали катод намунасининг сиртга яқин қатламида уч зонали ҳарорат тақсимот структурасини шаклланиши аниқланди.

Тўртинчи боб (Катод плазмасининг катод сиртига таъсирининг табиати).

Ушбу бобда сиртни фаоллаштирувчи моддалар (СФМ) билан қопланган катод сиртининг эрозияси жараёнлари ўрганилди, жараён вакуум камерасида жойлаштирилган электрод тизимида амалга оширилди. Синов намуналари X8Cr17 (стандарт DIN17440) ва 08X18H10 (ГОСТ 5632-72), қалинлиги 5 мкм бўлган оксид қатлами пўлатдан (ишлов берилмаган) тайёрланган (2-жадвал). Пўлат 08X18H10 аустенитли коррозияга чидамли, X8Cr17 пўлати эса никелнинг йўқлиги, паст углерод миқдори, юқори иссиқликка чидамлиги,

Натижада $\theta_1(\tau)$, $\theta_2(\tau)$, $\tau = 0$ ($x = 0$) эгри чизиклар билан чегараланган учта зона I зона юқори ҳарорат зонаси II зона паст I ва II зоналарни ажратиб турувчи чекловчи ҳарорат зоналари олинади. III зона $x = 0$ нуқтада $\tau = 0$ momentiда пайдо бўладиган тўлқин fronti тўғри келади. 4-расмдан кўриниб турибдики, намуна чегарасида иссиқлик изоляцияси ва муҳит билан иссиқлик алмашинуви йўқлиги сабабли, иссиқлик манбаи (катод доғи) томонидан намунанинг сиртга яқин қатламида чегара ҳарорати $T/2$ I ва II фронт чегарасида мос келади.

5-расмда. материалнинг портлаш пайтида катод юзасига катод доғи (микроратерлар) таъсир зонасида ҳисоблаш асосида олинган ҳарорат тақсимотини кўрсатилган. 0,2 мкм чуқурликда катод доғининг ҳарорати 2500 K гача кўтарилади, бу эса оқ қатлам ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, вакуумли плазма разрядларининг заряд таркибининг ушбу хусусиятларини ва зарядларнинг тақсимланиши катод намунаси юзаси бўйлаб катод доғларининг ҳаракати, ҳарорат майдонининг тақсимланишини кўриб чиқиш натижасида, қуйидаги муҳим натижаларга эришилди:

- «совук» катодда вакуум ёйи катод доғининг КД, катод потенциали

олтингугурт мухитда коррозияга чидамлилиги билан ажралиб туради. Ишқорларнинг сувли эритмасидан металл катод юзасига ётқизилган модданинг сирт контсентрацияси ушбу сувли эритманинг концентрациясига мутаносиб бўлиб,

2-жадвал

Тадқиқ қилинаётган пўлат материалининг таркиби

Марка стали	Компоненты, %						
	C	Mn	P	S	Si	Cr	Ni
08X18H10	0.08	2.0	0.045	0.03	1.0	18.0–20.0	8.0–10.5
12X17	0.12	1.0	0.04	0.03	1.0	16.0–18.0	0.75

ушбу жараён ўрганилаётган катоднинг сирт ғадир будурлигини ва катод доғларини (КД) сиртга таъсир майдонининг КОН ва NaOH ишқорлари контсентрациясига боғлиқлигини ўрганиш имконини берди. КД нинг пўлат катод юзасига таъсири токда 140-340 А вакуум ёй разрядида амалга оширилди, сирт зарядининг зичлигига 6 Кл/см² тўғри келди. Намуна юзасига 10% контсентрацияли КОН гидроксиди эритмасини қўллаш катод сиртига пропорцияси 0,001 г/см² га тўғри келади. 3-жадвалда КОН ва NaOH нинг сувли эритмаларини суртилиб вакуум-ёйни қайта ишлашдан кейин ўзига хос энергия сарфига ва 08X18H10T ва X8Cr17 пўлатларидан тайёрланган катоднинг синов намунасининг сирт ғадир будирлиги бўйича маълумотлар келтирилган.


3-жадвал

Ишқорий металл бирикмаларининг вакуум ёйи билан ишлов беришнинг энергия сарфига таъсири ва пўлат катоднинг сирт ғадир будирлиги

Ишқорий модда, %	Пўлат маркаси	Сирт ғадир будирлиги, Ra	Сирт ғадир будирлиги, Rmin	Солиштирма энергия сарфи, кВт×ч/м ³
Без СВ	12X17	10,2	58,5	5,82
КОН 10%	08X18H10	5,4	31	2,71
КОН 20%	08X18H10	4,3	25,4	2,57
КОН 25%	08X18H10	4,0	30,7	2,8
Без СВ	12X17	11,9	51,8	5,98
КОН 20%	12X17	3,8	19,2	2,63
КОН 25%	12X17	4,1	21,4	3,42
NaOH10%	12X17	7,8	34,1	2,85
NaOH 20%	12X17	6,8	31,0	3,0
NaOH 25%	12X17	8,3	36,5	3,65

3-жадвалдан кўришиб турибдики, ишқорларнинг сувли эритмалари 20% контсентрациясида умумий энергия сарфи 1,5-2,4 марта, сирт ғадир будирлиги эса 1,5-3,2 марта камаяди. Ишқор контсентрацияси 10-15% бўлганда, сиртдаги ишқор контсентрациясининг бошланғич қийматидан ~2,5 баравар кам бўлган қийматга эришиши билан сирт ғадир будирлиги тез пасайиб бориши аниқланди. Ишқор контсентрациясининг янада ошиши сирт ғадир будирлиги бир оз ошишига олиб келади. 08X18H10 пўлатдан ясалган катод намунасида, КОН 20% контсентрациясида, сирт ғадир будирлиги 2,4 баравар камаяди ва энергия сарфи 2,2 баравар камаяди. 12X17 маркали пўлатда NaOH- 20% контсентрацияларда ғадир будирлик 1,8 баробар, жараённинг энергия сарфи эса 1,9 баробар камаяди. 20% КОН контсентрациясида 12X17 пўлат учун сезиларли ўзгариш кузатилди ва энергия харажатлари 2,2 марта ва 3 баробар камайганлиги аниқланди.


Механик усулда қайта ишланган 08X18H10 пўлат намунаси сиртининг характерли профилограммалари ва вакуум ёйи разряднинг КД билан ишлов берилган наъмуна мос равишда ба, бб-расмларда кўрсатилган.



6-расм. Механик усулда қайта ишланган пўлат намуналарининг сирт профилограммалари - а ва вакуум-ёйли разряда ишлов берилгандан кейинги профилограммаси - б.

б- расмдан кўриниб турибдики, вакуум ёй разряди ёрдамида ишлов берилган намуна морфологияси кескин ўзгаришини кўришимиз мумкин.

7а-расмдан кўриниб турибдики, намунанинг сирт ғадир будирлиги босимга мутлақо боғлиқ эмас, аслида вужудга келган катод доғининг сони ток разрядига чизиқли боғлиқ.




7-расм. Сирт ғадир будирлиги разряд токи ва қўлланиладиган кимёвий моддалар контсентрациясига боғлиқлиги: а) Ишқорсиз, б) КОН ишқори билан, в) NaOH ишқори билан.

Олинган тадқиқод натижалари шуни кўрсатадики, КОН ва NaOH ишқорларини қўллаш катод доғининг намуна юзасига таъсирининг табиатига сезиларли таъсир қилади. КОН нинг сувли эритмалари ёки гидроксил нитрат билан КОН аралашмаси (масалан, $\text{Ba}(\text{NO}_2)_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$) сиртга суртилганда катод юзасидан электроннинг чиқишини енгиллаштиради, аниқроғи чиқиш ишини камайтиради. Сиртий фаол моддаларнинг этарлича паст иссиқлиги буғланишининг ва паст ионланиш потенциалида КД даги ионланиш жараёнларининг интенсивлигини оширади, катод доғлари таъсиридан кейин катод сиртининг нотекислиги сезиларли даражада ўзгаради ва натижада сирт ғадир будирлиги камаяди.

Стационар вакуумли ёйни разрядини амалга оширишда КД нинг намуналарнинг ишчи юзасига таъсири натижасида, бу намунанинг ишчи қисмининг бутун сирт бўйлаб қайта ишлашни таъминлайди.

8а-расмда 45 пўлатдан ясалган цилиндрсимон пўлат намунаси юзасига вакуум ёйи билан ишлов беришдан олдин ва 8б-расмда шу пўлат сиртига КД вакуум ёй разряди ёрдамида ишлов берилган пўлат дифрактограммаси келтирилган.



8- расм. Хром анод ёрдамида олинган пўлат(45) намунаси сиртининг диффрактограммалари: а - дастлабки, б - тозаланган.

Иккала ҳолатда ҳам остенитнинг улуши аҳамиятсиз. Намуна сиртига ёй разряди ёрдамида ишлов бериш пайтида "оқ қатлам" нинг қалинлиги кичик - 2 мкм дан 20 мкм гача бўлганлиги сабабли, ушбу қатламнинг таркиби ҳақида энг яхши маълумотни юмшоқроқ, камроқ кириб борадиган нурланишдан (хром анодидан) олиш мумкин. Шунинг учун γ - фаза хромли анод билан олинган диффракграммада аниқроқ кўринади. Бу эса аустинет таркибини ҳисоблаш имконини беради ва унинг миқдори $\sim 8\%$ эканлигини кўрсатди.

Ўрама лента курунишидаги пўлат махсулот (ст.65Г) намунани тозалаш натижасида сирт қатламида содир бўлган ўзгаришлар пўлат (ст.45) сирт қатлами ўзгаришларга ўхшайди ва кичик миқдорда γ -фазадаги аустенит номоён бўлади.

Аустенит фазасининг таркиби ишлов бериш режимига, катод доғининг катод сиртидаги ҳаракат тезлигига, шунингдек, ифлосланиш хусусиятига қараб ўзгаради. Жараённинг энергия сарфи аниқлаш натижалари 4-жадвалда келтирилган.


4-жадвал.

Ёй разряди билан пўлат сиртини тозалашда энергия сарфи.

Пўлат прокат намуна номи	Темир оксиди қалинлиги мкм.	Энергия сарфи кВт/час.
Лента г/к сталь 12Х18Н10Т	2	0,67
Лента х/к сталь 30	1	0,5
Катанка, пўлат 65Г	40	7,7
Катанка, пўлат 65Г	2	0,47
Катанка, пўлат 65Г	6	1,9
12Х18Н10Т	10	1,3
Катанка, пўлат Р6М5	5	0,85
Катанка, пўлат Р6М5		

Жадвалдан. 4 дан кўришиб турибдики, бир хил пўлат маркали намуналарни тозалашда энергия сарфи оқалина қалинлиги билан мутаносибдир.

